БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНУНИ

529 Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўгрисидаги кодексига қушимчалар киритиш хақида*

Қонунчилик палатаси томонидан 2009 йил 3 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2009 йил 4 декабрда маъкулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015-XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Респуб**ликасининг Маъмурий жавобгарлик тўгрисидаги кодексига (Узбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда) қуйидаги қушимчалар киритилсин:

1) қуйидаги мазмундаги **204¹-модда** билан тўлдирилсин:

^{*} Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2009 йил 16 декабрда эълон қилинган.

«204¹-модда. Ахолини ва худудларни табиий хамда техноген хусусиятли фавкулодда вазиятлардан мухофаза килиш, шунингдек фукаро мухофазаси тўгрисидаги конун хужжатлари талабларини бажармаслик

Ахолини ва худудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, шунингдек фуҳаро муҳофазаси тӱ́ грисидаги ҳонун ҳужжатлари талабларини бажармаслик —

фукароларга энг кам иш хакининг учдан бир кисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача микдорда жарима солишга сабаб булади.

Худди шундай хукуқбузарлик одамлар соғлиғига, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига зарар етишига олиб келса, шунингдек атроф табиий мухитга ва одамлар ҳаётига таҳдид солса, —

фукароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — етти бараваридан ўн бараваригача микдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Табиий ва техноген хусусиятли фавкулодда вазиятлар тўгрисидаги ахборотни яшириш, ўз вактида такдим этмаслик ёки улар хакида атайин сохта ахборот такдим этиш —

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

- 2) **245-модданинг биринчи қисми** «204» рақамидан кейин «204¹» рақами билан тулдирилсин;
 - 3) қуйидаги мазмундаги **249¹-модда** билан тулдирилсин:

«249¹-модда. Ўзбекистон Республикаси Фавкулодда вазиятлар вазирлиги органлари

Ушбу Кодекснинг 204¹-моддасида назарда тутилган хукуқбузарликлар аниқланган такдирда, Ӱзбекистон Республикаси Фавкулодда вазиятлар вазирлиги органларининг мансабдор шахслари маъмурий хукуқбузарлик тўгрисида баённома тузадилар.

Маъмурий хукуқбузарлик тўгрисидаги баённома кўриб чикиш учун ушбу Кодекснинг 282-моддасида белгиланган тартибда судга юборилади».

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Узбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент ш., 2009 йил 15 декабрь, ЎРҚ—230-сон